



№1 (1) 2022

# XXI ASR TILSHUNOSLIGI: TAHLIL VA TALQIN

## TAHRIRIYAT

### Bosh muharrir

Murodova Nigora Qulliyevna  
*filologiya fanlari doktori, professor*

### Bosh muharrir o‘rinbosari

Yusubova Rano Norboyevna  
*filologiya fanlari doktori, dotsent*

### Editor – in – chief

Murodova Nigora Kulliyevna  
*doctor of philological sciences, professor*

### Deputy Editor-in-Chief

Yusubova Rano Norboyevna  
*doctor of philological sciences, Associate Professor*

## TAHRIRIYAT A‘ZOLARI

**Sobirov Baxodir Boypulatovich** – NavDPI rektori,  
texnika fanlari doktori, professor (O‘zbekiston)

**Aynur Öz Özcan** - filologiya fanlari doktori,  
professor (Turkiya)

**Berdialiyev Abduvali** - filologiya fanlari doktori,  
professor (Tojikiston)

**Milyugina Yelena Georgievna** - filologiya fanlari  
doktori, professor (Rossiya)

**Tosheva Dilrabo Shokirovna** – falsafa fanlari  
doktori (Avstraliya)

**Mengliyev Baxtiyor Rajabovich** - filologiya fanlari  
doktori, professor (O‘zbekiston)

**Sayfullayeva Ra‘no** - filologiya fanlari doktori,  
professor (O‘zbekiston)

**Iskandarova Sharifa** - filologiya fanlari doktori,  
professor (O‘zbekiston)

**Ravshanov Mahmud** - filologiya fanlari doktori,  
professor (O‘zbekiston)

**Pardayev Azamat Baxronovich** - filologiya fanlari  
doktori, professor (O‘zbekiston)

**Abuzalova Mehriniso Kadirovna** - filologiya  
fanlari doktori, professor (O‘zbekiston)

**Ernazarova Manzura Sapparboyevna** - filologiya  
fanlari doktori, professor (O‘zbekiston)

**Davlatova Ra‘no Haydarovna** - filologiya fanlari  
doktori (O‘zbekiston)

**Bahriddinova Bashorat Madiyevna** - filologiya  
fanlari doktori, dotsent (O‘zbekiston)

**Ibragimova Zamira** - filologiya fanlari doktori,  
dotsent (O‘zbekiston)

**Daniyarov Baxtiyor Xudoyberdiyevich** - filologiya  
fanlari doktori, dotsent (O‘zbekiston)

**Oripov O‘rolboy** - filologiya fanlari nomzodi

**Qurbanova Xolbibi Qirboyevna** - filologiya fanlari  
nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Jumayeva Feruza Ruzikulovna** - pedagogika  
fanlari nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Ernazarova Gulnoza Murodovna** - filologiya  
fanlari bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Norova Gulsanam Maxsutovna** - filologiya fanlari  
bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Raxmonov Navro‘z Sattorovich** - filologiya fanlari  
bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Yuldashev Farrux Haqberdiyevich** - filologiya  
fanlari bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Nasridinov Ilhom Burxaniddinovich** - texnika  
fanlari nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Qurbonov Xurshid Raupovich** - tarix fanlari  
nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Shodiyev Hamza Ro‘ziqulovich** - texnika fanlari  
bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Utapov Toyir Usmonovich** - pedagogika fanlari  
nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Qayumova Munavvar Sanoqulovna** - filologiya  
fanlari bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Yarashova Nasiba Jumayevna** - filologiya fanlari  
bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Boltayeva Gulchehra Shokirovna** - filologiya  
fanlari doktori, dotsent (O‘zbekiston)

**Tuxtayeva Quysin Davlatovna** - filologiya fanlari  
nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Shamsiyeva Dilorom Mardonovna** - filologiya  
fanlari nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Najmiddinov Fazliddin Nasriddinovich** - filologiya  
fanlari nomzodi, dotsent (O‘zbekiston)

**Kosheva Dilrabo Xudoyorovna** - filologiya fanlari  
bo‘yicha falsafa doktori (O‘zbekiston)

**Musayev Erkin Xalilovich** – katta o‘qituvchi

**Maxammadov Bobir Isan o‘g‘li** – texnik muharrir

### Tahririyat bilan bog‘lanish:

Manzil: Navoiy shahar, Ibn Sino ko‘chasi, 45-uy

Web-site: <http://lingeji.nspi.uz>

Tel: +998(97) 378 - 34 -45

### Editorial staff of the journal:

Address: 45, Ibn Sino street, Navoi city

Web-site: <http://lingeji.nspi.uz>

Tel: +998(97) 378 - 34 -45

## MUNDARIJA / CONTENT

<b>Khudaybergenova Z.N.</b> O‘ZBEK VA TURK TILSHUNOSLIGIDA SODDA GAP TALQINI	<b>4</b>
<b>Муродова Н.Қ.</b> АРЕАЛ ЛИНГВИСТИК ПАРАДИГМАГА АСОСЛАНГАН ЛИНГВИСТИК ХАРИТАЛАР	<b>13</b>
<b>Абузалова М.К.</b> СОҶАВИЙ-ТАВСИЯВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ХУСУСИДА	<b>22</b>
<b>Бахриддинова Б.М.</b> ЎЗБЕК ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ	<b>28</b>
<b>Лутфуллаева Д.Э.</b> АССОЦИАЦИЯ ТЕРМИНИ ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИК ФАНИГА КИРИБ КЕЛИШИ	<b>36</b>
<b>Пардаев А.Б.</b> ЎЗБЕК ТИЛИ ЁРДАМЧИ СЎЗЛАРИДА ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТЛАР	<b>41</b>
<b>Tukhtaeva K.D.</b> FORMATION AND USAGE OF LEXICAL COMBINATIONS IN MEDIA TEXTS	<b>50</b>
<b>Oripov O‘.A.</b> “NUR” TOPONIMINING MA’NO XUSUSIYATLARI	<b>57</b>
<b>Nurmanov F.I.</b> NUTQ TOVUSHLARIDAGI AYRIM O‘ZGARISHLAR	<b>65</b>
<b>Эрназарова Г.М.</b> МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИДА МИНЕРАЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ МА’НО ХУСУСИЯТЛАРИ	<b>68</b>



## СОҶАВИЙ-ТАВСИЯВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ХУСУСИДА



*Абузалова Меҳринисо Кадировна,  
Бухоро давлат университети ўзбек  
тилшунослиги ва журналистика  
кафедраси профессори,  
филология фанлари доктори  
E-mail: m.k.abuzalova@buxdu.uz*

**Аннотация.** Мақолада бугунги кунда давр билан боғлиқ ўзбек тилшунослигида ҳам фанлараро, соҳалараро интеграциялашув жараёни кетаётганлиги, бу эса истиқболли илмий қарашлар, ғоялар ва ёндашувларга эга бўлган янги интеграцион фанларнинг (фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни) шаклланиши ва тараққий этишига йўл очиб бераётганлиги хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** соҳалараро интеграциялашув, лингвоиктисодиёт, психолингвистика, тиббиёт, тиббий терминлар, атамалар, косметология, ижтимоий-иктисодий самара.

**Аннотация.** В статье отмечается, что в современном узбекском языкознании идет процесс междисциплинарной и межотраслевой интеграции, что открывает путь для формирования и развития новых интегративных дисциплин (конвергенция дисциплин и процесс взаимодействия) с перспективными научными взглядами, идеи и подходы.

**Ключевые слова:** междисциплинарная интеграция, лингвистическая экономика, психолингвистика, медицина, медицинские термины, термины, косметология, социально-экономический эффект.

**Annotation.** The article notes that in modern Uzbek linguistics there is a process of interdisciplinary and intersectoral integration, which opens the way for the formation and development of new integrative disciplines (convergence of disciplines and the process of interaction) with promising scientific views, ideas and approaches.

**Keywords:** interdisciplinary integration, linguistic economics, psycholinguistics, medicine, medical terms, terms, cosmetology, socio-economic effect.

**Кириш.** XXI аср бошларидаги глобал ўзгаришлар бошқа фанларда бўлгани каби дунё тилшунослигида ҳам истиқболли илмий қарашлар, ғоялар ва ёндашувларга эга бўлган янги интеграцион фанларнинг (фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни) шаклланишига ва тараққий этишига сабабчи бўлди. Бугунги кунда давр билан боғлиқ ўзбек тилшунослигида ҳам фанлараро,

соҳалараро интеграциялашув жараёни кечмоқда. Лингвистика ва маданиятни боғлаб турувчи лингвомаданиятшунослик, лингвистика ва маънавиятни боғлаб турувчи лингвомаънавиятшунослик, лингвистика ва экологияни боғлаб турувчи лингвоэкология, лингвистика ва шахсни боғлаб турувчи лингвоперсоналогия, тилларнинг тарқалиш ҳудудлари ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш билан шуғулланувчи ареал тилшунослик, этник маданият муаммоларини ўрганувчи этнолингвистика, нутқни шакллантириш жараёнларини, шунингдек, нутқни идрок этиш ва шакллантиришни тил тизими билан ўзаро боғлиқликда ўрганадиган психологик тилшунослик, лингвистик воситалардан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан шуғулланадиган ҳуқуқий тилшунослик ёки суд тилшунослиги, математик лингвистика, компьютер лингвистикаси ва бошқа шунга ўхшаш қўшма фан ва соҳалар шаклланмоқда ҳамда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Янги асрда фақат амалий татбиққа эга, натижаларини истеъмолчилар сўрайдиган ва уларга **ижтимоий-иқтисодий самара тақлиф** этадиган **тилшунослик** ўз кучи билан яшашга ҳақли [1].

Жумладан, бугунги кунда амалий қиммат касб этаётган **психоллингвистика** ҳам нутқнинг психик жиҳатларини ўрганадиган соҳа сифатида ривожланди. Амалий тилшунослик билан боғлиқ бўлган психоллингвистика нутқ ҳосил қилиш, нутқни қабул қилиш, умуман, нутқ фаолиятини ўрганадиган фан ҳисобланади. Матннинг психоллингвистик таҳлилида адабиётшунослик, тилшунослик, психология, мантиқ фанларининг ўзаро алоқа жараёнларини кузатиш мумкинки, бунда ўқувчи-талабадан юксак иқтидор, билим ва синчковлик талаб этилади. Зеро мулоқотда персоналогик хусусиятлар, яъни шахснинг характер фазилатлари, тафаккур тарзи, касб-кори, дурёқараш, тил қобилияти кабилар воқеланади. Кишилар мулоқотидаги *кодлаш* ва *декодлаш* жараёнлари инсон мия фаолияти, тафаккур билан боғлиқ бўлиб, психоллингвистиканинг тадқиқот предметига киради. **Код** – хабарни сақлаган шартли белгилар системаси бўлса, **декодлаш** кодни асл белгилар тизимига тескари ўзгартириш жараёни, яъни асл хабар(кенг маънода) ни қабул қилиш демакдир. **Тафаккур** инсон мияси фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар *оралигида* бўлади. Маълум бир хабарни кодлаш усуллари эса ранг-баранг. Айниқса, бугун Smart(аклли) жамият шаклланмоқдаки, у ўзига хос коммуникатив маконни шакллантирди, янги белги-символлар(мобиль телефондаги турли белгилар, мем ва гифлар)ни шакллантирди ва нутқий тежамкорликка эришилди.

Асримиз ибтидоида субстанциал тилшуносликда аниқланган содда гап ( $[WP_m]$ ), қўшма гап ( $[WP_m-WP_m]$ ), уюшган гап ( $[(E_1-W_2)-(E_2-W_2)] P_m$ ), сўз бирикмаси ( $[W \rightarrow W]$ ), сўз гап ( $[W^A]$ ) ҳамда ( $[WF]$ ) – сўзшаклнинг умумий лисоний қолиплари код характерида бўлиб, маълум бир шакл ва мазмуннинг барқарор яхлитлиги сифатида яшайди ва хусусий ҳодиса сифатида нутқда реаллашади, яъни декодланади дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, мулоқотда юзага чиқадиган сўзлардан тортиб қўшма гапларгача бўлган нутқий ҳосилалар инсон тафаккурида мавжуд кодларнинг декодланишидир.

**Корпус лингвистикаси** соҳасида бугунги кунда фаол сўзга айланган *разметкалаш* тушунчаси ҳам код характеридадир. Корпус лингвистикасида лемма



ва тег сўзлари фаол қўлланилади. Лемма кодга қиёсланса, теглаш декодлашга тенг туради: <Сотиболди>(лемма) [от], [ат. от.], [шахс н.], [б. к.], [бирл. с.] каби теглаш декодлаш(хабарни қабул қилиш)га мисол бўла олади.

Айни пайтда кўпчилик кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётганлиги сабабли, дунёнинг турли мамлакатларида иқтисодийга қизиқиш ортиб бормоқда. Иқтисодий ҳаётдаги янги ўзгаришлар ушбу соҳада ҳам турли атамаларнинг ёзма ва оғзаки матнларда намоён бўлишига олиб келди. Бу эса ҳар бир соҳа бўйича луғатчиликнинг лингвистик асосда тараққий этишига сабаб бўлмоқда. "...Иқтисодийнинг етакчи йўналишлари: бухгалтерия-молия, эконометрия, менежмент, маркетинг, логистика ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишлари бўйича қулай ва аввалги изоҳли луғатлардан фарқли, эски ўзбек тилида мавжуд бўлган терминларни муомалага киритиш, ўзбек тили асосчилари бўлмиш Алишер Навоий, Маҳмуд Қошғарий асарларидан иқтисодийга оид атамалар синонимларга бойлигини инобатга олиб, терминларни жонлантириш ҳисобига Ўзбекистонда иқтисодий илм-фанини ривожига хизмат қиладиган, ҳар бир иқтисодчининг жавонидан махсус ўрин эгаллайдиган изоҳли луғат ишлаб чиқиш зарурати мавжуд [2].

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Жамиятда кечадиган ўзгаришлар тилга таъсир қилмай қўймайди. Ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришлар билан бир вақтда мулоқотнинг шакл ва турлари ҳам мураккабланиши. Демак, тил билан жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар ўртасидаги алоқадорлик ривожланади. Бунинг натижасида янги илмий фан сифатида **лингвоиқтисодиёт** доирасида интеграциялашган таълимга янги ёндашувларни шакллантириш зарурати туғилмоқда. Лингвоиқтисодиётнинг мустақил фан сифатида ривожланиши муаммоси баъзи назарий ишлар доирасида жуда кенг муҳокама қилинмоқда ва бу бир қатор тадқиқот мавзулари учун муаммо ечими сифатида хизмат қилиши кутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, "лингвоиқтисодиёт" атамасининг ўзи биринчи марта Т.М.Тарасевичнинг мақоласида [3] ишлатилган, жаҳон тилшунослигида эса "иқтисодий тилшунослик" атамаси маъқул кўрилади. Бўлажак мутахассисларнинг халқаро меҳнат бозорида ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашларига имкон берадиган профессионал инглиз тили, ўзбек тилини билиш даражасига эришиш учун ҳам иқтисодийнинг тилшунослик билан интеграциялашуви зарур деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий ва тилшуносликнинг ҳамкорлиги нуктаи назаридан шаклланган "соҳа тили" махсус атамалар ва нутқий кўчимлар мажмуасини ўз ичига олади ва улар луғатини тартиб бериш давр талаби ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Иқтисодийнинг бугунги глобал ривожини тилнинг бошқа луғавий бирликлари қатори мазкур соҳа лексик тизимида ҳам лисоний ўзгаришлар, тўлдирилишлар бўлиши муқаррарлигини кўрсатади. Инсоният биринчи навбатда "иқтисод" тушунчасига дуч келган. Қатор терминологик тизимларда бўлгани каби иқтисодий терминларининг шаклланиши узок ўтмишга бориб тақалади. Қадимги Ҳиндистонда яратилган «Веда»ларда, зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган «Авесто», яъни «Ҳаёт йўриқномаси»да ҳам илк муҳим иқтисодий фикрлар баён этилган. «Авесто»да зироатчиликни

ривожлангириш, янги ерларни очиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш кераклиги уқтирилган бўлиб, “Инсон ерни ташласа, унга қарамай қўйса, ундай одам ўзгалар эшиги олдида турган доимий гадойга айланади”, дейилган бўлиб, танбалликнинг оқибати гадойликни келтириб чиқариши нозик ўхшатмалар асосида далилланган.

Қуръони Карим ҳам илк иқтисодий тушунчалар асоси саналиб ( VII-VIII асрлар), мазкур муқаддас китобда Оллоҳ таоло савдога катта аҳамият берган, судхўрликни, яъни *рибоъ* (судхўрлик фоизи)ни ҳаром деб билган. “*Дарё бўйида таҳорат қилсаларингиз ҳам сувни исроф қилманглар*” каби қоидалар айнан ҳозирги замон иқтисодиёти ва экологияси учун ниҳоятда аҳамиятли саналади. Иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ислом таълимотидан бошланган десак, муболаға бўлмайди.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодиёт соҳаси лексик тизимининг ривожланиш тарихини халқ оғзаки ижоди намуналарида, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк”[4] асарида кузатишимиз мумкин, яъни бугунги кунда тарихий лексик бирликка айланган баъзи иқтисодиётга оид атамалар қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз (*асиғ*- фойда, *алтун* - олти тилла, *сарт* – савдогар, *тавар* - жонли, жонсиз мол, товар ва бошқалар).

Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг илмий-бадий меросларида ўзбек иқтисодий терминларининг илк намуналари ишлатилганки, булар лингвоиқтисодиёт шаклланишида ўзига хос ўрин тутган манбалар деб ҳисобланади. Мутафаккир шоир Алишер Навоий

*То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,  
то нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
то жабр зулм жонига бедод ўлмас,  
эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас*

каби мисраларида мамлакатнинг ободлиги, иқтисодиётнинг ривожланиши инсоният маънавияти билан узвий боғлиқ эканлигини тараннум этган. Алишер Навоий қаламига мансуб “Вақфия” иқтисодий атамаларга бой асар бўлиб, тарихий-иқтисодий атамалар ҳақида муҳим маълумот, шарҳлар берилган муҳим манба саналади.

“*Одамий эрсанг, демагил одамий, Оники йўқ халқ гамидин гами*” мисраларида ҳам инсонпарварлик ғояси билан бир қаторда, халқнинг оғирини енгил қилиш каби иқтисодиёт масалалари кўтарилган, десак муболаға бўлмайди.

“...ўзбек иқтисодиёт терминологияси икки манба: ўзбек тилининг ички имкониятлари ва хорижий тиллар асосида ривожланиб ва бойиб келган. Бу манбанинг биринчиси асли ўзбекча бўлиб, ўзбек тилида қадимда истеъмолда бўлган ёки иқтисод соҳасида янги тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилган атамалар ҳисобланади. Иккинчиси эса, ўзга тиллар, аниқроғи, инглиз, форс-тожик, араб, рус ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган атамалардир”[5].

Аср бошида *ўзбек модели, шок терапияси, кредит, сармоя, холдинг, пул муомаласи, бозор иқтисодиёти, пул синиши, валюта айирбошлаш, иқтисодий уруш, соғлом иқтисодиёт* каби қатор лисоний бирликлар тилимиз хазинасидан жой ола бошлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Дарҳақиқат, иқтисодиёт жамиятда энг муҳим соҳа бўлиб, ушбу соҳага мансуб лингвистик бирликлар барча жамият аъзоларига тушунарли, мантиқан асосланган бўлиши лозим. Айни кунларда тавсифий тилшунослик ўз ўрнини соҳавий-тавсиявий тилшунослик йўналишларига бўшатиб берган экан, **тиббий соҳага тегишли атамаларни** ҳам миллий, ўзбекона, оммабоп вариантларда тайёрлаш – шу соҳадаги илмий муаммонинг ечимига хизмат қилади. Қадимдан сайқалланиб келган, аждодлардан мерос бўлиб қолаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни авайлаш, асраш, қўриқлаш барчамизнинг вазифамизга киради. Биз ўзбек атамашунослиги захирасини бойитиш мақсадида тиббий бирликларнинг электрон платформасини яратдик. Мазкур платформада она тили имкониятларидан кенг фойдаланиб тиббий-илмий терминлар атамалар орқали ёритилган, яъни аниқ ва ихчам терминлар билан бирга уларнинг сермазмун изоҳлари берилган, айтилиши ноўрин бўлган тиббий терминларнинг халқона вариантлари жойлаштирилган. Тиббиётга оид атамалар электрон платформаси мукамал кўринишга эга бўлган тиббий эвфемизмлар луғати, тиббий перифразалар, тиббий лексика метафоралари луғати, уларнинг электрон варианты, мобил иловаларини яратиш заруратини юзага келтирмоқдаки, бу яратилажак ўзбек тили миллий корпуси учун ҳам ғоят аҳамиятли ҳисобланади.

“Аёлнинг гўзал бўлиши учун фақат битта имконият, лекин жозибали бўлиши учун юз мингта имконият бор”, деган шиор бугунги косметология соҳасининг шиорига айланган, дейиш мумкин. Дарвоқе, косметологик терминлар – бу **косметология** соҳасида қўлланиладиган атамалар саналиб, улар икки йирик гуруҳни ташкил этади: а) замонавий косметологик терминлар (*пилинг, мезотерапия, акне, биоэпиляция, массаж* ва бошқалар); б) миллий косметологик терминлар (*хина, ўсма, сурма* ва шу кабилар). Косметологик атамаларни миллийлик доирасидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш, дунё тилшунослигида бўлгани каби улар луғатини тартиб бериш ҳам соҳа лингвистикаси олдида турган вазифалардан саналади ва бу соҳада ҳам тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

*Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,*

*Ҳозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг* мисралари билан бошланувчи байтда қўлланилган *сурма, хино, ҳоза, ўсма* каби сўзлар косметологияга оид сўзлар луғавий маъно гуруҳини ташкил этадики, бу соҳага оид терминларнинг ўзига хос пайдо бўлиш тарихи мавжудлигидан далолат беради.



## АДАБИЁТЛАР

1. Менглиев Б. Тилшунослик самара берсин//“Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Buxoro: Tadqiqot.uz, 2021. – B. 17.

2. Касимова М.С., Джаббарова Ш.Г. Иқтисодий терминларнинг қўлланилиши: муаммолар ва ечимлар//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі. -№ 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил.

3.Тарасевич Т.М. Проблемы интеграции экономики и лингвистики на современном этапе // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. 2008. No 4. –Рр. 246-250.3, к.247

4.Qoshg‘ariy Mahmud. Devonu lug‘otit turk. III tomlik. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.

5. Касимова М.С., Джаббарова Ш.Г., Зияева М.М. Ўзбек тилида иқтисодиётга оид атамаларнинг қўлланилиши//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі.- № 4, июль-август, 2020.